# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ — ДАХЛСИЗ

*Ўзбекистонда бутун жамият давлат мустақиллиги ва иқтисодий равнаққа эришишнинг олий мақсадлари теварагида маҳкам жипслашди... Халқ ўзининг маънавий эркинлиги, эътиқоди ва ғурурини ҳимоя қила олди, порлоқ келажак йўлида янада улкан ишлар қилишга қодир бўлиб қолди.*

*Ислом КАРИМОВ.*

## КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ

***Забиҳилла МУҲАММАДЖОНОВ,***
***Халқаро ҳуқуқшунослар ассоциациясининг аъзоси:***

— Москвада Россия Федерациясининг Давлат думаси коммунист депутатларининг ташаббуси билан Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва бу собиқ СССРни қайта тиклашга даъват бўлгани мени жуда таажжублантирди.

Ҳуқуқшунос сифатида шуни айтишим мумкинки, Россия Давлат думаси бу қарорининг ҳуқуқий жиҳатдан асоси йўқдир, буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Президенти Борис Ельцинга мурожаати орқали очиқ-ойдин баён қилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқароларидан бири сифатида бизнинг ўзига хос тараққиёт йўлимиз борлигини қатъият билан айтмоқчиман. Буни Ўзбекистон жамоатчилиги, бутун меҳнаткаш халқ қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Бундан ташқари собиқ Иттифоқ айрим республикалари раҳбарлари «ғаройиб» интеграция ёки ҳар хил уюшмалар, иттифоқлар тузиш тўғрисидаги ташаббусларни кўтаришяпти. Шуниси ажабланарлики, улар буни халқдан сўрамасдан, ўзларининг номларидан гапиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон интеграция жараёнига ихтиёрий қўшилиш, бунда ҳар бир мустақил давлат тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиши кафолатланиши тарафдоридир. Бунда ҳар бир давлатнинг мустақиллиги тўла сақланиши ҳамда сиёсий ва иқтисодий янгиланишлар, қонунчилик ва ҳуқуқий асос халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши керакдир.

Менинг Ўзбекистонда ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ривожланиб, яқин келажакда жаҳон ҳамжамиятидаги илғор давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишимизга шак-шубҳам йўқ.

Бизнинг йўлимиз мустақиллик йўлидир, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти ташкил этиш йўлидир. Бу йўлнинг тўғрилиги, келажагимиз буюклигига ишончим комил.

## ҲИЛПИРАЙВЕР, ҲУР БАЙРОҒИМИЗ!

***Татьяна МАМАТҚУЛОВА,***
***эшкак эшиш бўйича республика терма жамоасининг мураббийси:***

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг спортчилари қисқа вақт ичида жаҳон майдонларида улкан муваффақиятларга эришдилар. Чет эллик мухлислар мусобақаларда Ўзбекистон номини баралла такрорлаб, бизларни олқишлаётган пайтдаги ғурур, кайфиятимизни сўз билан таърифлаб бўладими? Бундай олий туйғуни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди! Шундай улкан ўзгаришлардан сўнг ҳам эски ҳаммом, эски тос — собиқ СССРни қайта тиклаш ҳақидаги беъмани гап-сўзларни эшитишнинг ўзиёқ нақадар оғир. Мен — мустақил Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида ҳаётимнинг собиқ Иттифоқ ва истиқлолимиздан сўнг кечган даврларини ўзимча таққослаб кўраман: олти йилдан бери республикамизнинг эшкак эшиш бўйича терма жамоасига мураббийлик қиламан. Ундан илгари эса, ушбу спорт тури билан шуғулланиб, спорт устаси даражасига эришганман. Аммо собиқ Иттифоқ пайтида фақатгина маҳаллий мусобақаларда қатнашардик, холос. Халқаро мусобақаларга эса эҳ-ҳе, узоқ Москвадан таклифнома, рухсатномалар олиш лозим эди. «Марказ»дагилар эса, бундай мусобақаларга фақат ўз «яқин доираси»даги спортчиларни жалб этар, назаримда бизнинг бор-йўқлигимизни ҳатто эслашмас ҳам эди. Истиқлолимиздан сўнг ўзбек спортчилари ҳам халқаро майдонларда ўзларининг нималарга қодир эканликларини муносиб намойиш этдилар. Жаҳон бизни танигач, бутун дунёдан халқаро мусобақаларга чорлаб, таклифномалар «ёғилиб» кела бошлади. Қисқа вақтда эришган шунчалик буюк, тарихий ютуқларимизни унутиб, яна «қафасга» қайтиб кирамизми? Асло! Чет элда мадҳиямиз янграб, байроғимиз мағрур ҳилпираган пайтдаги севинч, ғуруримизни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдику!

## ЁШЛАРНИНГ АЗМ-ИРОДАСИ

***Равшан АБДУҚОДИРОВ,***
***Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг биринчи котиби:***

— Россия Давлат думасининг яқинда намойиш этган сиёсий найрангбозлигини бутун Ўзбекистон ёшлари қаторида биз ҳам қатъиян қоралаймиз. Халқимиз «қизил империя» кишанларидан қутулиб, мустақил давлатимиз қийинчиликларни бирма-бир енгиб, буюк келажак сари дадил одимламоқда. Бой тарихимиз давомида бобокалонларимиз юртимизда буюк давлатчилик тизимларига асос солганлар, аммо ҳеч қачон бировларнинг қўли остида яшашни ихтиёр этмаганлар. Асрий орзуимиз амалга ошиб, эришган истиқлолимизга ҳеч қандай куч дахл қила олмайди. Бу — барча ёшларимизнинг ҳам азму иродаси. Ўзингиз ўйланг, собиқ СССР даврида ҳам бирорта ўзбек ўз ихтиёри-ла оиласи билан Камчатка ёки Воронежга кўчиб кетмаган-ку. Чунки бизнинг ўз муқаддас Ватанимиз бор. Бу — энг олий тушунчадир.

Мен юртбошимизнинг МДҲ республикаларидаги интеграция жараёнининг келажаги тўғрисидаги Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатларини чуқур ҳаяжон билан тингладим. Ўйлайманки, боқимандаликни кўзлаб тузилаётган иттифоқлар оқибат натижада кучли давлатнинг яккаҳокимона бошқарувини келтириб чиқаради. Давлатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, манфаатларини таъминламайдиган интеграция бизга тўғри келмайди.

## МУТЛАҚО НОМАҚБУЛ

***Сирожиддин РАҲМАТУЛЛАЕВ,***
***«Тошкентмебель» акционерлик жамияти 5-цех дурадгори:***

— Россия Давлат думасининг 1991 йил имзоланган Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисидаги қарори мустақил республикамизнинг барча аҳли сифатида мени ҳам ниҳоятда ғазаблантирди. Бу Россияда президент сайлови арафасида ўйлаб топилган «сиёсий ўйин»га ўхшаб кетади. Озодликка чиққан Ўзбекистон ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий ва иқтисодий томондан ўз йўлига эга бўлиб, ўз тақдирини ўзи белгилашга тўла ҳақлидир.

Интеграция жараёнларини чуқурлаштириш борасида ҳам етти ўлчаб бир кесиш даркор. Мустақилликка тузоқ қўйилиши, зўравонлик, ҳарбий-сиёсий устунликни кўзлаш мутлақо номақбулдир.

## ЭСКИЛИКНИ ҚЎМСАМАНГ

***Гуландом ЭШМЕТОВА,***
***Тошкент индустриал-педагогика техникумининг 4-курс талабаси:***

— Собиқ Иттифоқ давридаги марказга бўлган қарамликларни, тенгсизлик ҳукм сурган даврларни эсидан чиқарган айрим юқори давлат раҳбарлик лавозимларида турганлар радио-телевидение, газета ва бошқа ахборот воситалари орқали чиқишиб, эски тузумни қайта тиклаш истагини билдиришяпти. Тарихнинг ғилдирагининг орқага айлантириб бўлмаганидек, эскиликни қўмсаётганлар қанча ҳаракат қилмасинлар бефойда бўлади, халқ уларни орқасидан эргашмайди. Собиқ Иттифоқни қайта тиклашга уриниш хомхаёлликдир.

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация ихтиёрий қўшилишга, тўла мустақилликка, ўзаро бир-биридан манфаатдор бўлишига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммоси ҳал этилмаслиги, ҳар бир аъзо давлат ўз салоҳиятига суянишига қаратилган бўлиши лозим. Юртбошимизнинг барча фикрларини биз, талабалар ҳам тўла қўллаб-қувватлаймиз ва уни ёшлар орасида тарғибот қилишда ўз кучимизни аямаймиз.

*Нуқтаи назар*

## ОРЗУЛИ ЗАМИНДА БЎЙ ЧЎЗГАН ЭЛИМ

Қадим дунёнинг атоқли тарихчиси Херодот: «Тарих битта ўзига хосликка эга — у ҳеч кимни ҳеч нарсага ўқитмайди» деб ёзган. Унинг қаламига мансуб тарих китобини варақлаб, беихтиёр: «Йўқ, тарих келажак яна ҳам нурли бўлиши учун ўтмишдан сабоқ беради» дегим келади.

Неча-неча асрлар ўтди: гоҳида юртлар гуллаб-яшнади, гоҳи ҳоки туроб бўлди. Лекин тарихнинг ҳар бир саҳифасида хиёнатга, тошбағирликка, номардликка, очкўзликка, босқинчиликка лаънат, эзгулик, диёнат, қаноат, озодлик, эркка шарафлар битилган. Улар айнан авлодлар учун сабоқдир. Бу билан Херодотга бирон бир таъна, таъма муддаом йўқ. Зеро ўтган ҳар бир кун тарих экан, унинг аччиғу тотли томонлари бўлади. Зеро тарих сабоқлари Мустақиллик шамолларига бағримизни тутиб, ўзига хос, ўзига мос иқтисодий юксалиш йўлларидан алпона одим отаётган дамларимизда яна ҳам чуқурроқ имконият касб этади.

Туронзамин, Мовароуннаҳр, Туркистон — қандай ном билан атамайлик, муқаддас заминимиз қанчалар азиз, мукаррамлигига, ажодларимиз озодлик, ҳурликни қанчалар эъзозлашганига ҳар лаҳза иймон келтирамиз, олис-олис йиллар қаъридан бизни ҳушёрликка, уйғоқликка чорлаб турган фидойиларни ҳар лаҳзада эслаймиз. Хўш, Тўмарис нима учун аёл боши билан қўлига қурол олди? Нечук душманларига меш тўла қон тутди? Эрки учун, она ери дахлсизлиги учун!

Ёинки оддийгина чўпон Широқнинг мардлигини барчамиз ҳайрат билан тилга оламиз. Аминмизки, ўзини Тўмарис ўрнида бир лаҳза тасаввур этмаган қиз, ўзини Широқ тасаввур этмаган ўғлон топилмайди. Хўш, тарихнинг мардона сабоғими бу?

Улар-ку олис ўтмишимиздаги аждодларимиз. Асримизда фидокорлик кўрсатган ўғлонларчи? Мақсад сари юзланадиган бўлсак: қайси халқ, қайси миллат бирдек оёққа қалқиб «урушамиз!» деб жар солибди. Шоирларимиз куйлаганидек тинч-тотувлик, дўстлик, тенглик ҳамма замонларда энг биринчи неъмат саналиб келинган. Тинчлик бўлмаган жойда дўстлик, эркинлик бўлмайди. Буни эса ўз бошимиздек кечирдик. Бир ҳолатни эслайлик. Ленин акаси қатл этилгач: «Биз бошқа йўлдан борамиз» деган эди. Буни ўша даврда шиор янглиғ қабул қилдик. Аслида бу «бошқа йўл» нима эканлигини етмиш йиллик истибдоддан яхши билиб олганмиз. Қизил империянинг ҳадсиз жабр-жафолари ҳали-ҳамон вужудимизга оғриқ солиб келади. Энди бизга яна «бошқа йўл», «янги иттифоқ», «янгича уюшмалар» керак эмас. Муҳтож ҳам эмасмиз. Ўзбекистон ўзининг ривожланиш йўлини, аниқ мақсадини аниқ-равшан белгилаб олган. Уни бу йўлдан чалғитишга уриниш бефойда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг бир сўзи бор: «Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас».

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач: халқаро майдонга дадил қадам қўйди. Буни кўриб, билиб турибмиз. Бизни мамнун этадигани — жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари истиқлолнинг илк кунлариданоқ дўстлик қўлларини узатдилар. Ўзбекистон бағрида қатор-қатор қўшма корхоналар тикланди. Маҳсулотлар жаҳон андозалари миқёсида чиқаётгани эътироф этилаяпти. Айни пайтда ким эканлигимизни барча деҳқондан тортиб зиёлигача англаб етди. Наврўз, Меҳржон, Рамазон, Қурбон ҳайитлари, муборак Ҳаж маросимлари — мана истиқлолимизнинг мевалари! Ўнлаб давлатнинг ваколатхоналарининг очилиши, амалий ҳамкорлик — мана мустақиллик мевалари! Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдидаги ҳилпираётган байроғимиз — мана мустақиллик меваси! Покланаётган, қайта — уйғонаётган онг — мана мустақиллик мевалари! Бири — биридан гўзал қурилишлар, Тошкентнинг гўзаллашаётган қиёфаси. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» — мана мустақиллик мевалари!

Иқтисодий жараёнлар, бозор муаммолари осон кечаётгани йўқ. Лекин бошқа республикалар ҳам шу тангликни бошидан кечираяптику! Энг ажабланарлиси қўлни қўлга бериб, бамаслаҳат муаммолар ечимини топиш ўрнига янги-янги иттифоқлар барпо этишга интилиш бўлаяпти! Ўз-ўзини бошқаришни уддалаёлмаётганлар бирлашса барча муаммолар дарҳол ўз ечимини топадигандек «Интеграция», «Конфедерация», «Федерация иттифоқи» сингари «кашфиётлар» баралла айтилмоқда! Куни кечагина Россиянинг боқимандаси бўлган Марказий Осиё республикаларига бугун яна барчанинг кўзи қадалгани ажаб!

Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «...Интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўргандагина амалий натижа бериши мумкин».

Ўзбекистон қатъий йўлидан олға бораяпти. Уни бу йўлдан турли иттифоқлар, усти ялтироқ, ичи қалтироқ, асл мақсади яна қуллик бўйинтуруғини елкамизга илишдан иборат бўлган даъватлар, битимлар қайтаролмайди. Танлаган йўлимиз мустақиллик йўли, тинчлик, омонлик йўли, фаровон турмушга эришиш йўлидир. Бундан бошқа йўлимиз йўқ.

Биз дўстона қўлни қўлга берамиз, лекин дилимиздаги орзуимизни, боғимиздаги истиқлол аталган гулимизни, қўлимиздаги пешона тери билан топилган ризқу рўзимизни эмас! Буни ҳамма билиб қўйиши керак!

Тарих ҳақида бекорга сўзламадик. Тарих сабоқлари бизни ҳамиша ҳақ йўлни белгилашга, шу йўлдан оғишмай олға босишимизга чорлайди.

Ўзбекистон минглаб, миллионлаб аждодларимизнинг орзусидир. Шу орзунинг гулидир. Орзулар заминида юз очган элимизнинг келажаги ҳам буюк бўлади. Бундан мустақиллигимизнинг беш йилида эришган ютуқларимиз далолат бериб турибди. Бундан юртбошимизнинг юритаётган оқил, изчил мардона сиёсати далолат бериб турибди!

Темур УБАЙДУЛЛО.



*Мустақил юрт сарҳадларида хизмат қилиш, она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этиш минг-минглаб оловқалб ёшларнинг юрак амридир.*

*Шеърий лаҳзалар*

## БАХТУ ОМАД БУНДА ЁР

**Сарин елни қолдириб ортда,**
**Учқур қанот — сармаст Ғиротда**
**Тоғу тошлар, довонлар ошиб,**
**Муштоқларга гуллар улашиб,**
**Фаслларнинг файзли баҳори —**
**Хуш келибсан рангин чаманга,**
**Ўзбекистон деган Ватанга!**
**Сенга ошиқ-мафтун эл шу ер,**
**Баҳри уммон-салсабил шу ер,**
**Сен излаган ошиқлар шунда,**
**Сахий, софдил, содиқлар шунда,**
**Қағ-қағ этган қарғалар беор,**
**Сен улардан тап тортма, баҳор,**
**Хуш келибсан ҳар юрак-танга,**
**Ўзбекистон деган Ватанга!**
**Бунда ўксиб қолмас кўнгиллар,**
**Бунда бевақт сўлмагай гуллар,**
**Муҳтожликдан ўлмагай ҳеч жон,**
**Чорасизга топилур имкон,**
**Ўзбек ёлғиз емайди ош-нон,**
**Унутмайди дўстин ҳеч қачон.**
**Хуш келибсан ганжу маъданга,**
**Ўзбекистон деган Ватанга!**
**Бахту омад бунда элга ёр,**
**Танти, жўмард бунда бешумор,**
**Бенасиблар насиби бунда,**
**Дардмандларнинг табиби бунда,**
**Бехонумон топажак ошён,**
**Ўзбек бағри гўё кенг жаҳон.**
**Хуш келибсан кую ўланга,**
**Ўзбекистон деган Ватанга!**
**Сарбаландлик бу элга мерос,**
**Қалбидадир эътиқод-ихлос,**
**Фарзонадир улус-раият,**
**Мустажобдир у қилган ният,**
**Пайғамбарлар руҳи мададкор,**
**Нажоткор ул Қодирул Жаббор.**
**Хуш келибсан миниб тавсанга,**
**Ўзбекистон деган Ватанга!**
**Менгзайсан хўб элимга гулрў,**
**Муносибсан, бунда қол мангу,**
**Ўзбекистон баҳор дегани,**
**Очиқ юз, хуш гуфтор дегани,**
**Унга барча жонли интилар,**
**Ҳар тарафдан карвонлар келар.**
**Хуш келибсан бу шараф-шонга,**
**Ўзбекистон деган Ватанга!**
**Энди кетма, бир умрга қол,**
**Бизни чўлғаб зиё-нурга қол,**
**Қиёси йўқ ҳур, заррин ўлкам,**
**Сарзаминдир бу Боғи Эрам,**
**Дил завқини айлади ифшо,**
**Сенга мафтун бу Забиҳилло.**
**Хуш келибсан фирдавс — масканга,**
**Ўзбекистон деган Ватанга!**

Забиҳилло НУРУЛЛО.



*Кейинги вақтда босмадан чиқарилаётган китобларнинг сержилолиги анча ортди. Бунинг сабаби бор, албатта. «Тошполиграфкомбинат»нинг офсет бўлимида тайёрланаётган турли хилдаги китоблар тобора сифатли қилиб чиқарилмоқда. Бунинг учун ўрнатилган янги дастгоҳларда малакали мутахассислар ишлашади. Улар орасида кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган Патхулла Қудратов ва Рихсивой Авазовлар (суратда) ҳам бор. Жамоада уларни моҳир китобшунослар дейишади.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби*

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

***Қимматли қоғозлар ҳақидаги саволларга «Женерел пул» сармоялар бозори қатнашчилари ўзаро тараққиёт корпорацияси очиқ турдаги акционерлик жамиятининг президенти Шомансур АЪЗАМОВ жавоб беради:***

***— Давлат қимматли қоғозлари нима?***

— Қимматли қоғозлар бозорининг воситалари ичида давлат қарз мажбуриятлари алоҳида ўринга эгадирлар. Уларни марказий давлат, бошқарув органлари, маҳаллий давлат бошқарув органлари, давлат томонидан қўллаб-қувватланувчи ташкилотлар ва муассасалар чиқаришлари мумкин.

Давлат қимматли қоғозлари қуйидаги мақсадларда чиқарилади:

— жорий йилдаги бюджет камомадини пул маблағлари билан тўлдириш;

— илгари чиқарилган қарзларни қоплаш;

— давлат бюджетининг кассавий бажарилишини таъминлаш;

— солиқ тўловларининг нотекис тушумларини текислаш;

— тижорат банкларини ликвидли заҳира активлари билан таъминлаш;

— маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилаётган мақсадли ривожланиш дастурларни пул маблағлари билан таъминлаш;

— ижтимоий зарур бўлган ташкилотларни ва муассасаларни қўллаб-қувватлаш.

Давлат қимматли қоғозларини чиқариш Марказий банкдан қарз олишдан ва қўшимча пул массасини чиқаришдан иқтисодий нуқтаи назардан бюджет камомадини тўлдиришда афзалроқ ҳисобланади. Марказий банкнинг кредит ресурсларидан давлат фойдаланган тақдирда Марказий банк томонидан кредит бозорини бошқарилиши анча қийинлашади. Шунинг учун иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибасида бу ресурслардан давлат томонидан фойдаланишига маълум чегаралар қўйилади. Бюджет камомадини қўшимча ,пул массасини чиқариш йўли билан тўлдириш эса, муомалада реал активлар билан тўлдирилмаган тўлов воситаларини пайдо бўлишига олиб келади, бу эса ўз навбатида инфляцияга ва пул муомаласининг бузилишига сабаб бўлади.

Давлат фонд воситалари ичида кенг тарқалган — бу бозор муомаласидаги қимматли қоғозлардир. Улар фонд бозорида эркин муомалада бўлади ва бирламчи бозорда ўз эгаларини топганидан сўнг бошқа шахсларга қайта сотилади. Бундай қимматли қоғозлар туркумига қисқа, ўрта ва узоқ муддатли давлат облигациялари, хазина мажбуриятлари киради.

Давлат ўзининг бозор муомаласида бўлмайдиган қарз мажбуриятларини ҳам чиқариши мумкин. Бу воситалар асосан халқ орасида сотилишга мўлжалланган бўлиб, давлат уларни чиқариш орқали тижорат банкларининг фаолиятини мувофиқ равишда бошқариб туради. Ушбу турдаги қимматли қоғозларнинг эгалари уларни бошқа бировларга сота олмайдилар ва белгиланган муддат етиб келмагунча уларни олиш учун қарзга берган ўз пулларини давлатдан қайтиб ололмайдилар.

Маҳаллий бошқарув органларига ўзларининг облигацияларини (маҳаллий облигацияларини) чиқаришга рухсат берилган бўлиб, улардан тушган пул маблағлари асосан маҳаллий ҳудудларни ободонлаштиришга ва экологиясини яхшилашга, ҳудудларда ижтимоий зарур объектларни қуришга ва таъмирлашга йўналтирилади.

Маҳаллий облигациялар инвесторларни уларнинг даромадларини маҳаллий солиқлардан озод этилиши билан жалб қилади. Шунинг учун ҳам маҳаллий облигациялар солиқларга тортилувчи бошқа турдаги барча облигацияларга нисбатан кўпроқ даромад келтиради.

**— Маҳаллий облигацияларнинг қандай турлари бор?**

— Уларни олти турга бўлиш мумкин.

1. Тўлиқ мажбуриятли облигациялар. Улар маҳаллий бошқарув органлари томонидан солиққа тортилмайди. Эмитентга ишонч билдирилган ҳолда уларнинг таъмини сифатида эмитентнинг оладиган даромадлари ва солиқ суммалари хизмат қилади.

2. Махсус солиқ облигациялари. Улар бўйича тўловлар ва уларнинг таъмини маҳаллий бошқарув органларининг солиқларига асосланади.

3. Даромад келтирувчи облигациялар. Уларни чиқариш орқали олинган қарз маблағлари махсус дастурларни амалга ошириш учун йўналтирилади: масалан: йўлларни, кўприкларни, касалхоналарни ва жамият учун зарур бўлган бошқа объектларни қуришга ва таъмирлашга фаолиятдан тушадиган даромадлари ҳисобига таъминланади. Бундай облигациялар бўйича фоиз даромадлари одатда қурилиш учун ажратилган маблағлар суммасидан тўланади.

4. Уй-жой қурилишини пул маблағлари билан таъминловчи давлат ташкилотларининг облигациялари, фоиз даромадлари ва номинал қиймати суммаси бўйича тўловлар олинган қарз маблағлари ҳисобига қурилган уй-жойларнинг рентаси ҳисобига ва уй-жойлардан фойдаланувчи шахслардан олинадиган бошқа тўловлар ҳисобига амалга оширилади. Ушбу ташкилотларнинг махсус уй-жой облигациялари ҳам мавжуд бўлиб, бу облигациялар ўз эгаларига уй-жой облигацияларининг чиқарилиши шартларида белгиланган тартибда уй-жойга эга бўлиш имконини беради. Махсус уй-жой облигациялари бўйича фоиз даромадлари тўланмайди. Уларнинг қиймат нархи 0,1 ёки 1 квадрат метр уй-жойнинг баҳосига тенг бўлади.

5. Маҳаллий бошқарув органларининг саноат объектларидан тушадиган даромадлар ҳисобига таъминланадиган облигациялар. Бу пул маблағлари билан таъминлаш мақсадида чиқарилади.

6. Катта ҳажмда олинган қарзлар бўйича фоиз даромадларини тўловига кетадиган сарф-харажатларни қоплаш учун чиқариладиган облигациялар.

*Хусусий корхоналар фаолиятидан*

## ХОЛИС НИЯТ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инсон учун қандайдир ирода, куч ва ишонч жуда-жуда зарурдир. Ҳамида опа ҳам кўп йиллик меҳнат фаолиятини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказди. Ўн йил «Юлдуз» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида, 15 йил «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари корхонасида меҳнат қилди. Аммо уни кўпроқ ўзи эгаллаган тикувчилик касбини ўзгаларга ҳам ўргатиш, яхши ишга қўл уриш умиди тинч қўймасди. Оила аъзолари—турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан кичик корхона тузиш режаларини маслаҳатлашиб, аниқ ишга киришди. Атиги уч-тўрт ой олдин бошланган тадбиркорлик йўлидаги саъй-ҳаракат бугунги кунда ривож топмоқда.

— Ҳали шов-шув бўладиган иш қилганимиз йўқ, лекин Собир Раҳимов тумани, Беруний даҳасида истиқомат қилаётган бир нечта қиз-жувонлар, эркаклар, ўспирин ва ёш ўғил болаларнинг шимларини тикиб бичишга ўргатаяпмиз. Яхши умидлар билан хусусий корхонамиз номини «Тонг гўзали» деб қўйдик. Чунки мен ўзим тонгни, заррин қуёш нури таралаётган эрта тонгни хуш кўраман.

Айни вақтда «Тонг гўзали» хусусий тикувчилик корхонасининг аъзолари асосан касаначилик, яъни уйларига иш олиб кетиш билан шуғулланишмоқда. Берилган буюртмани ким тикмоқчи бўлса шу тикувчининг олдида Ҳамида опа, қизлари Маҳмуда Миржамолова ҳамда моҳир тикувчи Жамила Хўжаевалар биргаликда бичиб, сифатли қилиб тикиш йўлларини кўрсатиб берадилар.

— Замонавий дастгоҳларимиз йўқ бўлсада, аммо бағри кенг, хушсухан бошлиғимиз Ҳамидахон барчамизга яхши меҳнат қилишимиз учун имконият яратиб бераяпти, — дейди Жамила Хўжаева. — Энг асосийси яқин атрофда яшовчи аёлларимиз қўлига игна олиб ширин-шакар ўғилларига, фарзандларининг оталарига кийим-бош тикиб беришмоқда. Аёлларимизнинг бу ишга тобора қизиқиши ортаётганини кўрган корхона раҳбари тобора тикув машиналари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилаяпти.

Хуллас «Тонг гўзали» хусусий тикувчилик корхонаси ҳозирги кунда тадбиркорлик билан иш юритиб, аҳолининг буюртмаси асосида ишлашаяпти. Имкониятга қараб яхши хом ашёдан эса замонавий турдаги ўспирин ва ёш болаларнинг шимлари тикилмоқда. Яқин кунларда корхона жамғарилган маблағ ҳисобига тикувчиликнинг барча талабига жавоб берадиган тикув машиналари ўз бисотини бойитишни ва тумандаги кўплаб аёлларни иш билан таъминлашни ўз олдига режалаштириб олган.

Гулнора МАЖИДОВА.

# СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

*Баҳорда қўзғаладиган дард*

## ЭЪТИБОРНИ ТОРТМАЙДИ, ЛЕКИН...

Баҳорнинг дастлабки кунларида айниқса ёш болаларда учраб турадиган, кўпинча енгил-елпи ўтиб кетадиган, эътиборни ўзига жалб қилмайдиган касалликлардан бири ангинадир. Ангина билан оғриганда ўз вақтида тиббиёт ёрдамига мурожаат қилмаслик бўғимлар, юрак, буйрак ва бошқа аъзоларнинг зарарланишида дастлабки омиллардан бири бўлиши мумкин. Халқум лимфодемоид тўқималари микробларнинг юқиши ва кўпайиши учун дарвоза ҳисобланади. Микроблар ташқи муҳитдан бевосита ҳаво, томчи, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали, бемор билан мулоқотда бўлганда юқиши ёки ўз-ўзидан зарарланиши мумкин. Шунинг учун ҳам ангина юқумли аллергик касаллик ҳам дейилади.

Ангинанинг ривожланишига тана иммунитетининг сусайишлари катта таъсир кўрсатади. Бунда бурун бўшлиғи полипларида нафас олиш бузилади ёки аскоридоз, рахит, диатез, юқумли касалликлар ва умумий модда алмашинувини издан чиқишлари ангинанинг келиб чиқишига имконият туғдиради.

Ангина аслида бутун тана касаллигидир. Одатда ютинганда оғриқ, бош оғриғи, тана ҳароратининг кўтарилиши ва умумий ҳолсизлик каби белгилар билан тасодифан пайдо бўлади. Халқум шиллиқ пардаси маълум бир чегарагача қизарганлиги, танглай муртаклари катталашгани айрим пайтда йиринг билан қопланганлиги аниқланади.

Ёш болалар танаси умумий қаршилик қобилиятининг сустлиги сабабли ангина бошланишидан оғир шаклларда кечади. Касаллик жараёнида қайт қилиш, эс-ҳушини йўқотиш, иштаҳасизлик, кўкрак ёшдаги болаларда ич кетиш, уйқусизлик, шу билан бирга томоқда кучли оғриқ пайдо бўлиб, оғриқ қулоққа тарқалиши мумкин, кўпинча сўлак ажралиши кучаяди. Талоқнинг катталашиши ва юрак фаолиятида ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Уй шароитида бемор ётоғини парда билан тўсиб, алоҳида идиш-товоқ ва парвариш буюмлари лозим. Дармондориларга бой, сутли, кўкатли овқатлар истеъмол қилиш, лимонли чой, шарбатлардан ичиш тавсия этилади. Оғиз бўшлиғи ва томоқни фурацилин, водород перекиси, календула, ромашка қайнатмаси билан чайиш тавсия этилади. Кўкрак ёшидаги болаларни эмизишдан олдин бурун бўшлиғидаги шилимшиқларни олиб ташлаш ва шифокор тавсия қилган томирлар деворини торайтирувчи томчилардан бурун бўшлиғига томизиш маъқул.

Болаларда ангинанинг олдини олиш уларнинг ота-оналаридаги бўладиган инфекция марказларини даволаш, шунинг учун ҳам профилактикада оғиз бўшлиғи ёки юқори нафас йўлларида микробларни ташиб юрувчиларни ўз вақтида аниқлаб, даволаш муҳимдир. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ангинанинг олдини олишда бурун орқали тўғри нафас олиш катта аҳамиятга эга. Бурундан нафас олишнинг бузилиши ангинани авж олишига шароит туғдиради. Нафас йўллари шиллиқ пардаларига қитиқловчи таъсир кўрсатадиган чанг, тутун, спиртли ичимликлар ва бошқа шунга ўхшаш омиллар ангинанинг ривожланишига шароит яратади. Сурункали тонзиллитнинг олдини олишда ангинани тўлиқ даволаш мақсадга мувофиқ.

Бозорбой ПОЛВОНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

*Меҳр-мурувватли бўлайлик*

## ИБРАТЛИ ТАДБИР

Республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви меҳр-мурувват тадбирини ўтказди: Юнусобод тумани ҳокимлиги билан келишган ҳолда тумандаги 1-шаҳар болалар сил касалликлари сиҳатгоҳи жамоасига дастурхон ёзиб, Наврўз байрами ўтказишни ташкил қилиб берди.

Мазкур сиҳатгоҳда сил касаллигига чалинган 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ҳам даволанишади, ҳам таълим олишади. Бугунги кунда бу ерда 70 дан ортиқ бола ўз саломатлигини тикламоқда. Уларнинг ҳар бирига жамғарма ҳисобидан турли ширинликлардан иборат совғалар топширилди.

Жамғармага ёрдам сўраб навбатда турган кам таъминланган, ногирон ҳамшаҳарларимиз ҳам бу ерга таклиф этилган эди. Улар орасидан жамғарма бошқаруви энг зарур дея топганларига «Алтромарк» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган 4 та ногиронлар аравачаси топширилди. Кам таъминланган 20 дан ортиқ оилаларнинг ҳар бирига 2 минг сўмга яқин пул берилди.

— «Наврўз» жамғармасининг ушбу тадбири ўксик диллярга малҳам бўлди, — дейди биринчи гуруҳ ногирони Равшан Алиев. — Мана, илтимосимни инобатга олиб менга ҳам ногиронлар аравачасини бепул беришди. Жамиятимизда меҳр-мурувват тадбирларининг кўпайиб бораётгани халқимизнинг эртанги порлоқ келажакка бўлган ишончини янада орттиради.

Ушбу тадбир давомида Юнусобод тумани маҳаллалари оқсоқоллари, сиҳатгоҳ раҳбарияти, кам таъминланган оила вакиллари ва ногиронлар ўз қувончларини изҳор этишди.

Мажид РАҲМАТОВ.



*Юқумли касалликларни даволашга шаҳримиз тиббий муассасаларида доимо жиддий эътибор қаратилган. Зеро ўлкамиз иқлим шароити нисбатан иссиқ экани сабабли бундай хасталикларнинг тарқалиш хавфи кўпроқ. Акмал Икромов туманидаги 5-болалар юқумли касалликлари касалхонаси жамоаси буни яхши тушунган ҳолда ишлаб келишмоқда. Улар касалхонага келтирилган ҳар бир бемор болани ўта синчковлик билан тиббий кўрикдан ўтказишади.*

*СУРАТДА: ординатор Саодат Авазова, бўлим мудири Севара Исломова ҳамда ординатор Наргиза Собировалар бемор бола саломатлигини текширишмоқда.*

*Ибн Сино ўгитлари*

## ҲАММОМДА ЧЎМИЛМОҚ ҲАҚИДА

Ҳаммомга тушувчилар унга асталик билан кириб, иссиқ хонада кўнгиллари беҳузур бўлгунча узоқ қолмасликлари керак: Шунда улар чиқиндиларнинг тарқалишидан келадиган бир ҳис сезадилар ва гавдалари овқатни талаб қилади. Кимки семирмоқчи бўлса ва у тиқилма пайдо бўлишига мойил бўлмаса, ҳаммомга овқатдан кейин борсин.

Кимки чиқиндиларнинг тарқалишини ва озишни истаса, ҳаммомга оч қорин билан бориши ва унда узоқ ўтириши керак. Кимки ўз соғлиғини сақлашни назарда тутса, у меъдасидаги ва жигаридаги озиғини ҳазм қилиб, сўнгра ҳаммомга бориши лозим. Ҳаммомдан чиққач ёки ҳаммомнинг ўзида совуқ ичимликларни ичишдан сақланиш зарур. Чунки бу вақтда бадан тешиклари очиқ бўлиб, совуқ бошқарувчи аъзоларнинг жавҳари томон интилади ва уларнинг қувватини синдиради.

## ОВҚАТЛАНИШ ҲАҚИДА

Соғлиғини сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисми сабзавотлар, мевалар ва булардан бошқа даво бўладиган овқатлардан бўлмаслигига аҳамият бермоғи керак. Шунинг учун овқат гўштга ўхшаш нарсалардан бўлиши, айниқса улоқ, бузоқ ва қўзичоқларнинг гўштларидан, офат етмаган соғлом экинзордан бўлиб, ифлос нарсалардан тозаланган буғдойдан, мижозга мувофиқ ширин нарсадан ва яхши хушбўй шаробдан иборат бўлиши лозим. Булардан бошқа нарсани даволаниш ва касалликнинг олдини олиш учунгина ишлатилади. Қишда иссиқ, ёзда совуқ ёки илиқ (овқат) ейиш лозим. Иссиқлик ва совуқликнинг ҳар иккиси чидаб бўлмас даражага етмаслиги керак. Билгинки, фаровончилик йилларида кўп еб, қаҳатчилик йилларида оч туришдан ва бундан аксидан ёмонроқ ҳолат йўқ.

## УЙҚУ ВА УЙҒОҚЛИК ҲАҚИДА

Уйқуси келмайдиган кишига сут-чўп истеъмол қилиш яхши тадбирдир. Агар уйқудан аввал ейилган овқат ҳазм бўлганидан кейин ҳаммомга тушиб, бошдан иссиқ сув кўп қуйилса, шундай тадбир ухлаш учун яхши ёрдамчидир. Оч қорин билан ухлаш ёмон ва қувватни сусайтиради. (Қорин) тўқлиги билан ва овқат қориннинг юқори қисмидан тушишидан илгари ухлаш ҳам ёмондир. Чунки бу ҳолатда (уйқу) чуқур уйқу бўлмайди, балки безовта уйқудир.

Кундузги уйқу ҳам ёмондир. У рутубатлардан бўладиган касалликларни ва назла касалликларини вужудга келтиради, рангни бузади, талоқ касалини пайдо қилади, асабларни бўшаштиради, кишини ланж қилади, иштаҳани пайсайтиради, шиш ва турли иситмаларга сабаб бўлади.

*Кўрик-танловлар*

## ЮҚОРИ САВИЯДА

Шаҳар Саломатлик марказида сил касаллигига қарши «Сил бедаво эмас» мавзуида деворий газеталар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳримиз туманларида ўтказилган худди шундай танловларда юқори ўринларни олган жами 38 та тиббий муассаса ўзларининг деворий газеталари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти директори Абдулла Убайдуллаев раислигидаги ҳайъат аъзолари кўрик-танловга қўйилган деворий газеталарнинг силга қарши курашдаги тарғиботчилик, янгиликка интилиш хусусиятларини ҳисобга олиб холис ва адолатли баҳоладилар.

Биринчи ўрин Ҳамза туманидаги 15-поликлиникага берилди. Иккинчи ўринга Чилонзор туманидаги сил касаллиги диспансери ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 2-шаҳар сил касалликлари касалхонаси лойиқ топилди. Учинчи ўрин Собир Раҳимов туманидаги 9-катталар поликлиникаси ва Ҳамза туманидаги 6-юқумли касалликлар касалхонаси жамоасига берилди. 25-болалар поликлиникаси эса рағбатланувчи даража билан тақдирланди. Ғолибларга Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Раиля МИРЗАГАРИЕВА.

*Ёднома*

## ҚАЛБ ҚЎШИҒИ



**Қўшиқчи шоир, таниқли адабиётчи олим Ўткир Рашид ҳаёт бўлганида 80 ёшга кирарди.**

**Одатда бирон инсонни хотирлайдиган бўлсак, унинг яхши фазилатларини эслаймиз, қолдирган меросини, зурриёдини тилга оламиз. Ўткир Рашиддан эсласак арзигулик ижодий мерос, эл хизматида фидокорлик кўрсатаётган фарзандлар қолди. Бугун эса шоирнинг машҳур қўшиқларидан бири, «Келинг, ёр кўринг» қандай яратилгани ҳақида сўз юритмоқчимиз.**

Табиатан оилапарвар Ўткир ака кўпдан болаларига кўнгилдагидек бошпана қуриш ҳақида ўйларди. Ниҳоят 1974 йили баҳорида, аниқроғи, апрелда, шу ишга жазм қилди. Унда Усмон Носирнинг отаси Носир ҳожи Масодиқов ҳам тирик эдилар.

Қозировот даҳасида, Юқори Дархон кўчасида шоирнинг каттагина чорбоғи бўларди. Гулларга, мевали дарахтларга тўлиб кетган файзли боғчага уй қуриш бошланди. Ўткир аканинг фарзандлари Улуғбек, Рустамбек, Гулшанбек, қизи шоира Нодира Рашидованинг завжи Валижон олти ой ёз лойдан чиқмадилар.

— Ажойиб уй бўлади, — дерди завқланиб Ўткир ака, — мана кўрарсизлар, Роҳатой аянгизга жуда ҳам ёқади. Ноибанинг тўйини ҳам янги уйда қиламиз.

— Аямга ёқтиришнинг ўзи бўладими? — қозон ковлаётган Шоира гап қотди.

— Демак, аянгизнинг дидига мос қилиб қурамиз, — деди Ўткир ака. — Салкам қирқ-эллик йил ишлаб топганимни шу уйга атаганман. Сизлар ҳам қараб турмассизлар.

Уйнинг бор ташвиши унинг пойдеворини кўтариб олишда. Ҳаш-паш дегунча пойдевор кўзга кўриниб қолди. Сўнгра девор ҳам жадал тиклана бошланди.

— Сизларга анча оғир бўлаяпти-а, — Ўткир ака қизларига кўнгилчанлик қиларди гоҳ-гоҳида, — уй битиб, аянгизга маъқул келса, барча чарчоғингиз чиқиб кетади.

Уйнинг томи ёпилиб, сувоқ ишлари бошланганда Шоира ташвишланиб қолди:

— Янги уйга эски жиҳоз олиб келасизми? — сўради у.

— Буёғини дадангизга қўйиб берасиз, — Ўткир ака мамнуният билан деди, — ҳаммасини режалаштириб қўйганман.

Ниҳоят 6 ноябрда уй бўёқлардан чиқарилди. Дераза, эшикларга дарпардалар тутилди. Янги полослар тўшалди. Худди келинларнинг уйидек бўлиб қолган ҳовлининг файзини таърифлашга сўз етмасди. Бир томонда атиргуллар очилиб турибди. Бир томонда сўрида узумлар товланади. Олмалар ҳил-ҳил пишиб қолган. Худди табиат ҳам оила аъзоларининг қувончига шерик бўлгандек, шу куни қуёш чарақлаб, кун жуда илиқ бўлди.

Ўткир ака атрофи гулзор супачага алоҳида меҳр билан жой ҳозирлади. Атлас кўрпачалар солдирди. Барча тадорик кўрилгач, катта ўғли Улуғбекка юзланди:

— Энди бориб аянгизни олиб келинг! — Кейин болаларига кулиб қўйди. — Бир кутилмаган совғам бор.

Роҳат ая эшикдан гапириб кириб келди:

— Ҳеч тинмаганда, даданглар. Ишқилиб томини ёпиб, сувоб олдингларми? — Роҳат ая уйнинг безаклари, уйлардаги жиҳоз, анжомларни кўриб ҳайратдан супачага ўтириб қолди.

— Вой-бўй, жуда чиройли уй бўлибдику! Худди келиннинг уйидек! Барака топинг, дадажониси, барака топинглар, болаларим!

— Ёқдими? — сўради Ўткир ака.

— Ёққандачи! — Роҳат ая атлас кўрпачага ўрнашиб ўтириб олди.

— Бўлмаса бир гап бор, эшитинг, — Ўткир ака секингина магнитофоннинг қулоғини буради. Раъно Алиназарованинг ширин овози ҳовлига таралиб кетди.

**Битди янги уйимиз, келинг, ёр кўринг,**
**Бизни кутар тўйимиз, келинг, ёр кўринг.**
**Уй олдини йўл қилдик, келинг, ёр кўринг,**
**Атрофини гул қилдик, келинг, ёр кўринг.**
**Гул оралаб сув оқар, келинг, ёр кўринг,**
**Сув бетида нур оқар, келинг, ёр кўринг.**
**Гулзор ёни супача, келинг, ёр кўринг,**
**Солдик атлас кўрпача, келинг, ёр кўринг,**
**Супачага жой қилдик, келинг, ёр кўринг.**
**Келасиз деб чой қўйдик, келинг, ёр кўринг.**
**Қўлда жонон пиёла, келинг, ёр кўринг.**
**Бизни ўрар гул-лола, келинг, ёр кўринг.**

Қўшиқларнинг ҳар сатридан кейин Роҳат ая:

— Вой, тавба, анавини қаранг! Ҳаммаси тўппа-тўғри-я! — дерди ҳаяжонланиб.

Шу куни нафақат Роҳат аянинг, балки барчанинг кайфияти яхши эди. Кўп ўтмай янги ҳовлида Ноибанинг тўйи ҳам бўлиб ўтди.

Ўткир ака: «Уй мендан сизларга хотира, топганим сизлар, шеърларим», дерди доим. Фарзандлар қўшиқ янграганда, уйга барчалари тўпланганида оталарини эслаб хаёлга чўмадилар, шоир оталарининг шеърларидан ўқийдилар. Шунда, албатта, «Келинг, ёр кўринг» қўшиғи ҳақида ҳам соатлаб ҳаяжон билан сўзлашадилар. Барҳаётлик ҳам аслида шу!

Ғолиб МИРЗО.

*Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

## ОИЛАВИЙ ДАВО МАСКАНИ

***Сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда профилактика ишларини такомиллаштириш борасида тажриба тариқасида дастлабки оилавий шифокорлик амбулаторияси ташкил этила бошланди.***

— Эндиликда ҳар бир оиланинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган хасталигини кузатиш имкониятига эгамиз, — дейди биз билан суҳбатда Шайхонтоҳур туманидаги 12-оилавий шифокорлик амбулаториясининг бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева. — Илгари, сизга маълум, катталар, болалар поликлиникалари, хотин-қизлар маслаҳатхоналари, тор мутахассисликлар бўйича шифокорлар ишлайдиган бинолар алоҳида-алоҳида жойлашган бўларди. Бу эса ўз-ўзидан ортиқча оворагарчилик, сарсонгарчилик ва энг муҳими шифокорлар ўртасида умумий ҳамфикрлик йўқлигини келтириб чиқарарди. 1994 йил охири 1995 йил бошларида оилавий шифокорлик амбулаториялари ташкил қилиш тўғрисида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг чиқарган буйруғи асосида бизнинг 12-оилавий шифокорлик амбулаторияси синов тариқасида иш бошлади. Асосий мақсадимиз аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматини ҳар бир оилага янада яқинлаштириш ва бундай хизмат сифатини яхшилашга қаратилган. Ўтган қисқа фурсат ичида дастлабки иш натижалари ёмон бўлмади. Янги усулнинг анча қулай ва самарали эканини биз шифокорлар қатори аҳоли ҳам сезмоқда. Фарзанд кутаётган оналар ҳам ўзимизда кўрикдан ўтадиган бўлиши муносабати билан улар ҳар томонлама назоратга олиндилир. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Ўтган вақт мобайнида ҳеч қандай оналар ўлими қайд этилмади. Шунингдек, юқумли ва бошқа касалликлар билан оғриш даражаси пасаяди.

Шифокор қабулига киришга навбат кутиб ўтирган беморларнинг фикрини билишга қизиқамиз. Ўзини Зуҳра Қодирова деб таништирган онахон қуйидагиларни айтди:

— 6 фарзандни вояга етказдим. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб кетишди. Фарзандларим кичкиналигида касал бўлишганида югурганларимни айтмай қўяқолай. Мана энди яхши ўйлаб топилибди. Шу бугуннинг ўзида қисқа вақт ичида бир хонада 4 та шифокор қабулида бўлдим. Охирги хулосани, оилавий шифокор-терапевт Клара Абдурашидова ёзиб берар экан. Айтгандек, келиним ҳам шамоллаб қолган боласини олиб келган эди, шифокор қабулидан чиқса, бирга уйга қайтамиз.

Дарҳақиқат, онахон айтганларидек бир вақтнинг ўзида бутун оила аъзолари билан биргаликда тиббий кўрикдан ўтиш ва керак бўлса жойида муолажалар олиш ҳам мумкин. Чунки ўқув даволаш мажмуи таркибида оилавий шифокорлик амбулаторияси билан бир қаторда маслаҳат ташхис маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу марказ шаҳримиздаги Шайхонтоҳур ва Акмал Икромов туманларидаги оилавий шифокорлик амбулаторияларига хизмат қилади. Мабодо беморларни махсус текширувдан ўтказиш лозим бўлса, бу ерда малакали терапевт, педиатр, гинеколог, жарроҳ, ортопед, травматолог, стоматолог, психолог, болалар психоневрологи, катталар ва болалар асаб касалликлари шифокори, эндоскопик шифокор каби тор мутахассислар ҳар томонлама тиббий кўрикдан ўтказадилар.

Мана шундан кейин, ҳар бир оила аъзоси учун якка тартибда соғломлаштириш, даволаш ишларини бошлаш мумкин. Натижада касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ирсий касалликлар ва бошқа омиллар ҳам ойдинлашади.

Амбулаториянинг яна бир афзаллик томони шундан иборатки, унда беморлар учун замонавий аппаратуралар билан жиҳозланган ва барча қулайликларга эга физиотерапия бўлими мавжуд бўлиб, даволаш усуллари физиотерапевтик муолажаларга асосланган. Шунга кўра бир куннинг ўзида 50 дан ортиқ беморларга бундай муолажалар қилинади. Шунингдек, амбулатория қошида жарроҳлик маркази ташкил этишди. Бу ерда кичик жарроҳлик операцияларини амалга оширишади.

Шифокорлар ва беморлар билан ўтказилган суҳбатлар тиббий ёрдамининг ушбу шакли анча қулай ва самарали эканидан далолат бермоқда. Кези келганда баъзи беморлар эътирозини айтиб ўтишни лозим деб топдик. Жумладан бемор Маҳбуба Алиеванинг фикрича, оилавий шифокорлик амбулаторияда катталар ва болаларнинг бир жойда анализ топширишларини бошқача йўлини ўйлаб кўриш керак. Чунки турли касалликлар билан хасталанган беморлар билан ёш болаларнинг бир жойда анализ топшириши шундоқ ҳам нимжонлашган бола танасига қўшимча касалликлар юқиши имконини кўпайтиради.

Ҳар қандай янгилик аввалига баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмайди. Вақт ўтиши билан такомиллашади, нуқсонлардан тозаланади. Ўйлаймизки, тиббиёт ходимлари йўлга қўйган ўзгача иш услуби ҳам тобора вақт синовларидан яхши ўтади.

Дония ЗОКИРОВА.

***СУРАТЛАРДА:** болалар бўлими мудири Зоя Алиева бемор саломатлигини текширувдан ўтказмоқда; оилавий шифокорлик амбулаториясининг бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева навбатдаги режалар ҳақида маслаҳатлашиб олмоқда.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*





*Билиб қўйган яхши*

## ҚОН ТОЗАЛОВЧИ ЖОНЗОТ

Баҳор келди дегунча баъзи кишилар тиббиёт зулугини излаб қоладилар. Бунинг сабаблари бор. Зулук солувчи кишилардан «Нима сабабдан солдирасиз?», деб сўрасангиз «Ҳаром қон тинчлик бермаяпти, юз-қулоқларим лўқиллаб оғрийди, қичишади, зулук солдирмасам яра тошиб кетади, баданимнинг баъзи жойларида ёрилиш пайдо бўлади», деб жавоб беришади.

«Ҳаром» қон ҳақиқатан борми? Буни тиббиёт тажрибалар асосида тасдиқлади. «Деворлари» шамоллаши, яллиғланиши сабабли томирларнинг айрим қисмларида тўсиқлар пайдо бўлади. Натижада, қон томирдан нормал ўтмайди. Солинган зулук тўсиқни излаб топади ва қуйилиб қолган қонни сўриб олади. Қоннинг юриши нормаллашади... Шу ўринда қизиқ бир мисол келтирамиз: Америкалик бир боланинг қулоғини ит тишлаб, узиб олади. Шифокорларнинг саъй-ҳаракати туфайли қулоқ жойига тикилади. Аммо ҳа деганда уланган қулоқ супрасига қон юрмайди. Нима қилиш даркор? Шунда зулук ёрдам берди, қулоқда қон айланишини тиклади!

Ҳа, бир неча ўн йиллар муқаддам кўпгина амалиётчи шифокорлар айрим хасталикларни даволашни зулукларсиз тасаввур ҳам этиша олмас эди. Улардан жуда кенг — юрак хасталикларидан тортиб бўғин хасталикларини даволашгача фойдаланишар эди. Зулукларни муайян даражада фан-техника тараққиётининг қурбони деса бўлади, чунки қисқа вақт ичида уларнинг ўрнини мукаммал деб тахмин қилинган доривор препаратлар эгаллаган эди, аммо бир неча йил муқаддам, бир қатор Ғарбий Европа мамлакатларида ва АҚШ да зулуклар яна эл оғзига тушиб қолди. Бунга Уэлльсда зулукларни ўрганиш ва кўпайтириш бўйича махсус лаборатория ташкил этган инглиз шифокори Рой Сойер илмий тадқиқотлари ва тажрибалари туртки бўлди. Рой Сойер техника ва доришуносликнинг энг сўнгги ютуқлари ҳам кўҳна зулуклар ўрнини боса олмайди,деган хулосага келганди. Шифокор Сойер тажрибалари йўли билан зулукларнинг асосий сири уларнинг нодир компонентлари бўлган сўлакларида эканлигини исботлади. Юрак-қон томирлари, тромбофлебит, гипертония хасталикларида жарроҳлик аралашувидан сўнг қон айланишини тиклашда, шунингдек бир қатор бошқа хасталикларда зулуклар хизматидан фойдаланиш мумкин.

Дарҳақиқат, «Тош асри даволаш усули тиббиётда атом асрига ёрдамга келмоқда».

Яқинда зулуклар асосида янги дори тури — «Пиявит» яратилди. Бу янги дори тромболитда, паришонхотирликка қарши, қон босимини пасайтиришда малҳамдир.

Тиббиёт зулуги Кавказда, Украинада, Молдавияда кўплаб учрайди. Москвада махсус Биофабрикада зулуклар бор. Зулуклар кўлмак ёки сув ўти кўп бўлган, лекин оқадиган сувларда ҳаёт кечиради. Зулукнинг танаси чўзиқ, ясси, бир томонга қараб торайиб борувчи бўлиб, 90—100 та ҳалқадан ташкил топган. Унинг бош томони ингичка бўлиб, иккита сўрғичи бор.

Дорихонадан олинган зулуклар махсус шиша идишларда сақланади. Идишдаги сувни ҳар куни янгилаб туриш лозим. Қудуқ ва водопровод суви зулук учун зарарли. Бундай сувнинг оз миқдордагиси ҳам уни нобуд қилиши мумкин. Ёш ва қари, тимқора зулук ишлатилмайди. Ҳар бир зулукка бир марта қон сўрдирилади, холос. У қон сўраётганида ўзидан қонни ивитмайдиган гирудин ферменти ишлаб чиқаради. Бу фермент зулук қон сўраётганда унинг сўлаги билан бирга кишининг қон томирига ўтади ва қоннинг ивишига йўл қўймайди. Зулукни қуритиб, асалга солиб яланса, томоқ оғриғини қолдиради, буйракдаги тошларни майдалайди. Туйиб, алоэ билан қўшилгани эса бавосил ярасини қуритади. Суркалганда эса доғларни кетказади.

Зулук қўйгандан кейин совуқ сув ичмаслик керак. Аччиқ, шўр нарсалардан ҳам емаслик лозим. Зулукни қўйишдан аввал бемор кишининг аъзоси қизаргунча ишқаланади, сўнг зулук қўйилади. Зулукнинг шишганига қараб, уни тўйди деб гумон қилиб, куч билан ажратишга уринмаслик керак. Тўйгандан сўнг ўзи тушиб кетади. Ёки тушириш зарур бўлса, озгина кул ёки туздан оғзига сепилса ёки пиёз теккизилса, дарҳол тушиб кетади...

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

*Луқма*

## САНЪАТГА ҲУРМАТ ШУМИ?

Қиш кунларининг бирида Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасида «Улуғбек фожиаси» асари қўйилаётган кезлар. Театр биноси томошабинлар билан гавжум. Уларнинг кўпчилик қисмини мактаб ўқувчилари ташкил қилади. Томоша бошланишига бир неча дақиқалар қолди. Ўқувчилар шовқин-сурон билан жойларини эгалладилар.

Саҳна очилди. Истеъдодли актёрлар ўз ролларини маҳорат билан ижро этишарди. Минг афсус... Ўша куни ўриндиқларнинг энг олдинги қаторларида ўтирган бўлсам ҳам актёрларнинг ҳаракатини кўрардиму, атрофдаги ғала-ғовурдан, гап нима ҳақда бораётганини англай олмасдим. Биров ҳуштак чалиб гап отган, биров фожиянинг энг ачинарли жойида таъсирланиш ўрнига кулар, шовқин тобора кучайиб борарди. Ўқитувчилар ўқувчиларни тинчлантиришга ҳаракат қилардилар...

Шу пайт жуда хафа бўлиб кетдим. Эртага мустақил ҳаётга қадам қўядиган ёшлар наҳот ўтмишларини билишни, санъатдан маънавий озиқ олишни хоҳламасалар! Ахир ўтмишсиз келажак йўқ. Томошабинларга бўлган эътирозимни қандай баён қилишни била олмай, хунобим ошиб турганида саҳнага оқ либос кийган, Темурбек тимсолини гавдалантиришга шайланиб турган актёр чиқиб, атрофга назар солди. Залга бир зум бўлса-да, сокинлик чўмди. Шунда у:

— Ким агарда ўтиролмайдиган бўлса, марҳамат қилиб чиқиб кетсин. Тўлаган пулингизни қайтариб берамиз. Наҳот тарихингиз билан қизиқмасанглар? — дея асабийлашган ҳолда чиқиб кетди.

Мактаб ўқувчиларининг баъзилари актёрларнинг шаънига номаъқул гапларни айтиб, зални тарк этишди. Асар давом этди. Кайфият эса...

Томошадан кейин кўп ўйладим. Нега шундай бўлди? Менимча ёшларнинг санъатни тушунмасликлари, унга қизиқмасликлари уларни шу кўйга солиб қўйди. Чамамда, табиий фанлар билан биргаликда мактабда санъат ҳақида ҳам сабоқлар берилса, ўшандагина ўқувчилар қўшиқ, куйларни шунчаки тингламай, улардан маънавий озиқ оладилар, рассомларнинг асарларини кўр-кўрона томоша қилмай, уларни таҳлил қила оладилар, санъатнинг қандай тури бўлмасин ундаги гўзалликни англайдилар. Ахир ёшлар эртанги кунимиз ишончи. Шундай экан, аждодларимиз орзу қилганидек инсон бўлиб камолотга етиши учун тарбиянинг мустаҳкам пойдеворини мактабдан бошлашимиз даркор!

Феруза
МУҲАММАДЖОНОВА,

*Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультети талабаси.*

*Дил сўзлари*

## МИННАТДОРМАН

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Соғуний маҳалласида истиқомат қиламан. II гуруҳ ногирони бўлгач меҳнат таътилига чиқишга мажбур бўлдим. Бир неча йилдирки нафас қисиши касаллиги билан олишиб келаман.

Бу сафар касаллик тўсатдан хуруж қилиб қолди. Зудлик билан 6-шаҳар клиник касалхонасининг аллергология бўлимига ёткизишди. У ерда мен инсон саломатлиги учун курашувчи шифокорлар атрофида бўлдим. Уларнинг вақтида қилган муолажалари-ю, самимий муомалаларидан тезда соғайиб оёққа туриб кетдим. Ҳозир яна оилам қучоғидаман.

Менга сидқидилдан ёрдам берган шифохона бўлим бошлиғи Мунисжон Муқсимовга, бош ҳамшира Гулноза Маҳкамова, ҳамширалар Гўзал Ғуломова, Дилором Азимова ва бўлим бекаси Насиба Содиқоваларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Раъно ЖЎРАЕВА,
Қаҳрамон она.

**Кўпчилик фарзандлари вақтининг ҳуда-беҳуда ўтишини истамайди. Имкон қадар уларнинг дарсдан бўш пайтини ҳисобга олиб бирон тўгаракка аъзо қилиб қўяди. Бунинг яна бошқа фойдали жиҳати шуки, болалар муайян соҳага лаёқатлари янада кучайиб келажакда касб танлашга қийналмайдилар.**

**Республика ўқувчилар саройида болажонларимиз бўш вақтларини мароқли ўтказиш билан бирга илм-фан сир-синоатини пухта эгаллайдилар. Саройнинг тарихи, фаолияти, болалар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида сарой директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Олия Иброҳимова қуйидагиларни сўзлаб берди:**

*Тарбия масканларида*

# НУРЛИ ОЛАМ

— Яқиндагина Республика ўқувчилар саройи ташкил топганига 60 йил тўлди. 1935 йилнинг июнь ойи. Тошкенти азимнинг ҳозирги Шароф Рашидов кўчасида жойлашган энг кўркам ва гўзал бино болаларга тақдим этилади. Саройда йилдан-йилга тўгараклар сони ортиб борди. Қисқа вақт ичида ушбу бино ўғил ва қизларнинг энг севимли масканига айланди. Шаҳримиздаги тажрибали, билимдон болажон мутахассислар тўгарак ишларига жалб этилди. Уста Маҳмуд Усмонов — ганч, Жалил Ҳакимов — наққошлик, Самиғ Абдуллаев тасвирий санъат тўгаракларида раҳбарлик қилганлар. Бу тўгарак қатнашчиларининг танлаган ҳунарларига меҳрлари бўлакча эди. Жумладан, республикамизда қурилган бино ва метро бекатларини нақшинкор қилиб безаган халқ усталарининг деярли барчаси шу ерда таълим олишган.

1980 йилда ҳукуматимиз янги, замонавий талабларга жавоб берувчи ҳозирги ҳашаматли бинони саройнинг болалар ва мураббийлар жамоаси ихтиёрига топширди. Ҳозир бу ерда бешта бўлим, етти йиллик мусиқа мактаби ҳам мавжуд. Муассасада фаолият кўрсатаётган 210 тўгаракда 4 мингдан ортиқ болалар иштирок этмоқдалар. Оммавий услубият бўлими мактаб ўқувчилари учун мустақил республикамизнинг байроғи, герби, мадҳияси ҳақида суҳбатлар ўтказиб туради. Санъат ва маданият ходимлари, ёзувчилар, бастакорлар, журналистлар билан ўтказиладиган давра суҳбатлари, учрашувлар ўқувчилар билимини чуқурлаштириб, дунёқарашини кенгайтиради.

Нафосат бўлими тўгаракларидан доирачилар, «Чаман» болалар халқ рақс дастаси, «Бойчечак» хор жамоаси, «Ғунча» вокал-чолғу дастаси, карнай-сурнайчилар дасталари болаларнинг санъатга ихлос қўйишларида жуда аҳамиятлидир. Дарвоқе, машҳур санъаткорлар Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафруз Жабборова, Насиба ва Зиёда Мадраҳимовалар, Жамшид ва Фаррух Зокировлар «Юлдуз» дастасидан порлаб чиққан юлдузлардир.

Эркин Иминохунов раҳбарлик қилаётган «ЭҲМ ва дастурлаш» тўгарагининг мақсади энг аввало бугунги кун болаларини замонавий техникага, ихтирочиликка қизиқтириш, уларни мантиқий фикрлашга ўргатишдир. Тўгарак аъзолари Улуғбек номидаги ёшлар жамғармаси томонидан ўтказилаётган иқтидорли болалар кўрик-танловларида фахрли ўринларни эгаллашяпти.

1994 йили саройимиз Республика Халқ таълими вазирлиги раҳбарлигида Марказий Осиё болалар фольклор фестивалини ўтказди. Фестивалнинг мақсади турли миллат ва элат болалари орасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва қўшни давлатларнинг санъатини ўрганишдан иборат эди.

В. Авдеев, Ҳ. Исҳоқжонов, У. Турсунова, А. Азизов. Н. Мадраҳимова, Э. Исломов, М. Мирсолиҳова номларини фидойи ва билимдон устозлар сафида санаб ўтгим келади.

Режаларимиз катта. Аксарият тўгаракларимиз аллақачон тўгарак даражасидан кўтарилиб, мактаб миқёсига етган. Энди биз бу жойда мусиқа, наққошлик, рақс, доирачиларнинг мактабини яратмоқчимиз, фан-техника тўгаракларини янада кўпайтириш мўлжалланяпти. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан ўқув-ўқитув борасида алоқаларни кенгайтирмоқчимиз. Ўқувчилар саройини эса «Кичик академия»га айлантиришдек эзгу орзуларимиз бор. Муаллимлар жамоаси эса иқтидорли болалар билан ишлашга ҳам муҳим эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Сейсмология, Кибернетика, Астрономия, Математика, Биохимия институтларида 100 дан ортиқ истеъдодли болалар таҳсил олишмоқда. Уларнинг истеъдоди мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилиб, алоҳида эътироф этилган. Шундай қобилиятли болалар саройда кун сайин кўпайиб боряпти. Ахир она юртимиз келажаги ҳам уларнинг қўлида-ку!

Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

*Қўшиқ сеҳри*

# ҲОФИЗ ЎҒЛИ



Қўшиқ бизнинг доимий ҳамроҳимиз. У билан тонг отади, кун ботади. Яхши ижро этилган ҳар бир қўшиқ одамлар кўнглини шод этса, дардманд беморларга малҳам бўлади. Қўшиқ куйлаб эл кўнглини ҳамиша хушнуд этиб келаётган истеъдод соҳиблари юртимизда кўплаб топилади...

Инсондаги ҳамма яхши фазилатлар беғубор болаликда, жонажон диёр қучоғида куртак ёзади. Ана шу куртак вояга етган сари, ҳаёт киши қалбига ишқ бўлиб йўғрила бошлайди. Аслида эса ишқ ҳам ўша биз айтган тақдирнинг ўзгинасидир. Лекин ҳар кимнинг тақдири турлича кечади. Эл олқишини олган Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов хонадонига ўша бахт қуши қўнган кунда оилада тўртинчи фарзанд — Абдуваҳобнинг дунёга келишидан барча беҳад шод эди...

Абдуваҳобнинг болаликдан санъатга меҳри бўлакча эди. Мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ соз чалиш, қўшиқ куйлаш сирларини қунт билан ўрганди. Ўтказиладиган турли тантанавор кечаларга у ўзгача файз киритарди. Санъатга бўлган ҳавас Абдуваҳобни Тошкентга, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти сари етаклади. Бу ерда у Ўзбекистон халқ артистлари Саттор Ярашев, Асад Азимовлардан кўп нарсаларни ўрганди.

Мана, деярли ўн йил мобайнида шаҳримизнинг Яккасарой туманидаги Абдулла Авлоний номидаги маданият уйида бадиий раҳбар бўлиб ишлаб келмоқда. Турли халқ сайилларида, байрамларда Абдуваҳоб Одилов мумтоз мақом йўлидаги ашулалар билан бир қаторда замонавий қўшиқлар ижро этиб, санъат ихлосмандларига қувонч бахш этмоқда.

У ижро этадиган қўшиқлар жуда хилма-хил — мақом йўлидаги қўшиқлардан «Ушоқ», «Чапандози наво», «Қўшчинор», «Чапандози қаландар», «Бир келиб кетсун», «Баёт — 5» билан биргаликда «Дилнавозим — дилнавоз», «Бир йўл келинг» каби замонавий қўшиқлар ўз мухлисларини топа олган.

Абдуваҳоб Одилов бугун ҳам тиним билмай изланмоқда, талайгина янги қўшиқлар устида ишлаяпти. Биз эса унинг ижодига янги-янги парвозлар тилаб қоламиз.

Абдулла ТОЛИПОВ.

***СУРАТДА:** Абдуваҳоб Одилов қўшиқ куйламоқда.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Қатралар*

## МАЖНУНТОЛ

Соҳилдаги мажнунтол ўз соясида ҳордиқ чиқариб кетгувчиларнинг ёқимли суҳбатларидан сархуш, маст. Гоҳ ошиқ-маъшуқларнинг шивир-шивирига халақит бермай деб хаёлини сув юзига тўш уриб вижирлаб учаётган қалдирғочларга, бир-бирини қувалаб чопган тўлқинларга боғлаган гўё.

Мажнунтолнинг одамлар меҳри, нафаси билан масрур яшашидан сал наридаги тераклинг ичи «куяди».

— Бағрингдан одам аримайди. Биласанми, нега? Юввош, бўшлигингдан. Айбдордек энгашиб тураверасан. Мен-чи, бўш эмасман. Ким бўлса ҳам унга тик боқаман. Менга яқинлашишга юраклари чидамайди.

Мажнунтол унга ғинг демайди. Нима десин? Ўсиб-унгани она ерга таъзим қилаётганини айтсинми? Йўқ, она еримга миннат бўлиб туюлмасин, дея ҳаё йўргагида сақлайди таъзим-раҳматини. Ниҳоят, бир кун соясига ташриф буюриб, чархланаётган аррагагина теракдан сўз очади.

— Индамаганинг яхши бўпти. Гапингни уқишни барибир хоҳламасди, — деди арра ва терак тагига яқинлашди. — Соянг ўзинг баравар узоқда. Одамларнинг тагингга келмаслиги шундан. Яхшиси сени уйга тўсин қиламан — камтар қилиб қўяман...

## ПИЛЛАПОЯЛАР

Томга қўйилган нарвоннинг энг юқори пиллапояси:

— Менинг хизматим сеникидан улуғ. Юқорида туришимнинг сабаби шу, — деди.

Пастки пиллапоя дарров нима дейишини билмай бир куни ўзига юзма-юз бўлган қулга:

— Нарвоннинг юқорисини пастга айлантириб қўй, — дея илтимос қилди.

Пастдан юқорига кўтарилган пиллапоя нарвондан уй эгасининг томга қандай чиққанини кузатгач, тўғрисини айтди:

— Томга чиқувчига олдин сен елка тутмасанг мен бекор эканман. Сендан юқори турганим билан барибир ишда сен мендан олдин — юқорисан. Тўғрими?! Сен эса боя ҳозирги менинг ўрнимда турганингда нималар девдинг?

— Ҳозир айтган гапингни мен айтишим лозим эди, — деди хатосини тушунган пиллапоя.

Хатони тушуниб, вақтида тан олиш ҳам яхши хислатдир.

## ХАВОТИР

Токнинг бир новдаси ёнидаги чайир тутнинг шохига илашиб, ҳосиллар тугди.

— Новдаларинг узун бўлиб ўсгач, менга ҳам илашавер. Тутнинг шох-қулоқларига гўё зираклар тақибсан. Ҳавасим келяпти, — деди унга тутнинг яқинроғидаги терак.

— Сен билан яшашга қўрқаман, — эътироз билдирди ток.

— Нега? — сўради терак.

— Тик-димоғдор бўлиб ўсгансан. Шамолдан синиб кетсанг мен ҳам панд еб қоламан-да. Хавотирим шундан, — деди ток.

## ШАРОФАТ

Арикчадан шалдираб келаётган сув ҳовузчада ивирсиб қолган сувга қўшилди. «Мен билан ҳамроҳ бўл, бекор ётма», дея уни далага ундади.

— Сенга нима. Мени ўз ҳолимга қўй... — аввалига ижирғанди ифлос сув.

— Хунук бўлиб ётишинг кўрганларнинг кайфиятини бузади. Ахир сен менинг жондошим, қондошимсан, — оқар сувнинг чиндан қайғуриши ифлос сувдаги лоқайдликни чекинтирди. У оқар сувга энди чин ҳамроҳ: ниҳоллар гуркиратиб жўшди. Номи яхшиликка йўйилгач, ҳамроҳидан бир умр миннатдор:

— Мени фойдали меҳнатга ундаганинг яхши бўлди. Менинг ҳам юзим сеникидек ёруғ...

Яхшининг шарофати улуғ, деб шуни айтади-да!

## СЕН БИЛАН ДЎСТЛАШМОҚЧИ ЭДИМ

Мен сен билан дўстлашмоқчи эдим. Юввошлигинг, ипакдек майин сўзларинг менга ёқарди. Ўша куни олим ўзи кашф қилган олмасини «мақтаганда» икки-уч одамга қўшилиб, унга ён босдинг. Сўнг сендан ихлосим қайтди. Янги топган олмаси ўзимизнинг қадимги оқ, жоноқи, қизил олмаларимиздан ҳосилда ҳам, мазада ҳам пастлигини тунов куни менга ўзинг рўй-рост маъқуллаганинг ёдингга тушди шекилли, менга кўзинг тушгач рангинг оқариб кетди. Олимнинг «катта оғиз»лигини ҳам, «ихтироси»ни ҳам ёқтирмас эдинг-ку. Тавба, унинг талабига қараб ўз қалбингдан кечиб, яхши, деб турсанг...

Мен сендан чўчийман. Эртага унинг хоҳишига қараб яна бир фойдасиз даъватига мойил бўлурсан. Мен-чи, мисол учун у бошим узра қиличини яланғочлаб, менга ён босасанми ёки йўқ, деб турса аввало қалбим амрига қулоқ соламан.

Бировнинг йўриғи билан иш юритувчи одам ўз ихтиёри билан иш юритувчи одамга чиндан дўст бўлармикан?! Шунисидан чўчийман.

Мен сен билан дўстлашмоқчи эдим...

Ғани АБДУЛЛАЕВ.



*Диққат-эътибор бирор нимага кучли қаратилганда атрофдаги ҳамма нарса унутилади.*

*Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.*

## УРУҒ СИФАТИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

***Уруғнинг унувчанлигини аниқлаш мумкинми?***

***Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ, Шайхонтоҳур тумани, Чуқуркўприк маҳалласи.***

Яхши уруғлик етиштириш билангина иш битмайди. Уни шундай сақлаш керакки, экиш даврида у тўла униб чиқадиган бўлсин. Уруғнинг унувчанлигини текширишдан олдин уни бир неча дақиқа тузли сувга солиб (1 литр сувга 40—50 грамм туз аралаштирилади) қошиқ билан ковланади. Бунда йирик уруғлар идиш тубига чўкади, нимжон етилмаган уруғлар эса сув юзасига қалқиб чиқади. Сув юзида сузиб юрган уруғлар олиб ташланиб, чўкканлари сув билан 2—3 марта ювилади.

Яна, уруғнинг унувчанлигини текширишда экишдан олдин ундириш йўлидан ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун бирор япалоқ идиш ёки тарелкага дока ё қоп тўшалади, унга уруғ тўкиб (майдасидан 100 дона, ўртасидан 50 дона, йиригидан 25 дона) ёйилади. Матонинг пастга осилиб тушган четлари уруғ устига ёпилади, устига тарелка ёки ойна қўйилади. Уруғни доимо нам бўлишини кузатиб бориш керак. Идиш иссиқ жойга қўйилиб, 22—27 даражали ҳароратда сақланади.

Биринчи нав уруғлиги қуйидаги даражада унувчанликка эга бўлиши керак: редиска — 85 фоиз (7 кун ўтгач), бодринг — 90 фоиз (7 кун ўтгач), ошқовок — 95 фоиз, помидор — 85 фоиз (10 кундан кейин), лавлаги 80 фоиз (8 кунда), пиёз — 80 фоиз (12 кунда), сабзи — 70 фоиз (10 кунда), петрушка — 70 фоиз (12 кунда), укроп — 60 фоиз (14 кун ўтганда). Яхши шароитда сақланган сабзи, петрушка, бақлажон, укроп уруғи унувчанлиги 2—3 йилгача, карам, лавлаги, турп, редиска, салат 3-4 йилгача,бодринг, қовоқча, патиссон, помидорни эса 5—7 йилга қадар сақлаш мумкин. Карам, лавлаги, сабзи, петрушка, укроп, лавлаги ва пиёздан юқори ҳосил олиш учун уларнинг янги уруғини экиш лозим. Ошқовоқ, патиссон ва бодрингнинг 2—3 йил сақланган уруғини экиш мақсадга мувофиқ.

*Сўраган эдингиз...*

## ЧАНГЛАГИЧНИ ЯСАШ

***Мевали дарахтлар, сабзавот ҳамда гулларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши курашда чанглагич асбобидан фойдаланилади. Бу асбобни ясаш мумкинми?***

***Нодир СОБИРОВ, Миробод тумани, Файзиобод маҳалласи.***

Чанглагични ясаш қийин эмас. Бунинг учун банд чиқарилган иккита тахта кесилади. Биринчи тахтанинг 8—10 жойидан тешик очилади ва унинг устки томони резина қоплама билан ёпилади, остидаги тахтага чанглагични заҳарли кимёвий модда билан тўлдириш учун қопқоқ билан беркитиладиган тешик очилади. Тахта ёнларига тери ёки бошқа ҳаво ўтказмайдиган мато қоплаб қўйилади. Шунда темирчининг босқонига ўхшаш нарса ҳосил бўлади. Олдига чанглагич, ичига пружина қўйиб маҳкамланади. Бундай чанглагичда турли кимёвий дори, кукунларни бир неча метр узоққа сепиш мумкин.

## ЎҒИТЛАРНИНГ ЎЛЧАМИ

***Маҳаллий ва минерал ўғитларнинг оғирлигини уй шароитида қандай билиш мумкин?***

***Дилноза Каримова, Акмал Икромов тумани, «Катта қаъни» маҳалласи.***

Маҳаллий ўғитларнинг оғирлигини ўлчаш учун 10 литрлик пақирдан фойдаланса бўлади. Пақирга янги от гўнгидан 8 килограмм, чиринди от гўнги — 5, янги мол гўнги — 9, гўнг шилтаси — 12, парранда ахлати — 5, чимли тупроқ — 12, эски иссиқхона тупроғи — 10, ёғоч кулидан 5 килограмм сиғади.

Шунингдек томорқа хўжалиги майдони у қадар бўлмаслиги сабабли маъданий ўғитлар унчалик кўп ишлатилмайди. Тахминий оғирлигини гугурт қути ёрдамида ҳам билиш мумкин. Гугурт қутисига аммоний селитрадан 17 грамм, кальцийли селитра — 18, мочевина — 15, натрийли селитра — 22, аммоний сульфат — 17, кукунсимон суперфосфат — 24, донадор суферфосфат — 22, фосфорит уни — 34, калий тузи — 20, калий селитра — 25, калцмагнезий — 20, калий сульфат — 25, калий хлор — 18, сабзавот ўғитлари аралашмаси — 18, оҳак пушонкасидан эса 12 грамм сиғади.

Мутахассислар маслаҳати асосида

Доно АҲМЕДОВА тайёрлади.

## НОГИРОН САЙЁҲЛАР ШАҲАРЧАСИ

***Мисрнинг Луксор сайёҳлик шаҳрида биринчи бор ногиронлар учун махсус сайёҳлик мажмуаси бунёд этиладиган бўлди.***

Ногиронлар учун махсус жиҳозланадиган мазкур мажмуада бу ўзига хос сайёҳлар учун керакли барча шарт-шароитлар бунёд этилади. Бир қатор хайрия ва халқаро ташкилотлар мана шундай мажмуа барпо этилишини анчадан бери таклиф этиб келишар эди. Мажмуа учун ҳозирча 100 феддан (50 гектардан ортиқ) ер майдони ажратилди. Ундаги қурилиш ишлари икки йил давом этади ва бу мақсад йўлида 100 миллион жунайҳга яқин маблағ сарфланади. Шаҳарча 1998 йил бошларидан бошлаб биринчи ногирон сайёҳ гуруҳларини қабул қила бошлайди.

Айни пайтда бу тарихий, кўҳна шаҳарда тадбиркор ва ишбилармонлар учун энг олий даражадаги жаҳон андозаларига мос келадиган тиббий оромгоҳ ҳам бунёд этиладики, унда улар Луксорнинг ўзига хос қуруқ, шифобахш оби-ҳавосидан баҳраманд бўлган, бу ерда мавжуд турли спорт мажмуаларидан фойдаланган ҳолда кўнгилдагидек хордиқ чиқарадилар.

*Ҳар тўғрида*

## ҚУЁШ РАМЗЕС II ЧЕҲРАСИНИ ЁРИТГАН КУН

***Ҳар йили қуёш икки мартагина 20 дақиқа давомида Абу Сумбул сайёҳлар шаҳарчасидаги шоҳ Рамзес II ҳайкалининг чеҳрасини ёритиб ўтади.***

Бундай ноёб ҳодиса дунёдаги барча давлат сайёҳларини ушбу кун бу ерга оқиб келишига сабаб бўлади. Улар Мисрнинг Асвон шаҳри жанубида жойлашган Абу Сумбул сайёҳлар шаҳарчасидаги Рамзес II ибодатхонасидаги авлиё «Ал-Ақдас» мажмуаси таркибидаги Рамзес II чеҳрасини қуёш эрталаб олтидан 15 дақиқа ўтганидан бошлаб, 20 дақиқа давомида ёритиб ўтиши мўъжизасининг гувоҳи бўладилар.

Бу йил мазкур ғаройиб ҳодиса февраль ойининг 22 куни, жумага тўғри келди. Иккинчи бор қуёш бу ҳайкал юзига шу йил 22 октябрь куни тушади. Бу ноёб ҳодисанинг боиси «Ал-Ақдас» мажмуасидаги Рамзес II ҳайкали ўта аниқ астрономик ҳисоб-китоб асосида бунёд этилган бўлиб, қуёш унинг юзига биринчи бор у туғилган кунда тушса, иккинчи бор у Миср тахтига ўтирган куни тушади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
Республика бирлашмаси
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



«ЙЎЛБАРСЛАР АТТРАКЦИОНИ» ТОМОШАЛАРИ
(2-бўлимда)
Ўргатувчи — ФУРҚАТ ЮНУСОВ.
РУСТАМ МАТЖОНОВНИНГ 5 МЕТРЛИ ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВИ.

Дастурда: ТУЯЛАР, КУЧУКЧАЛАР, АЙИҚЛАР, МАЙМУНЛАР, БЎҒМА ИЛОНЛАР ВА БОШҚА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ.

Апрель ойида томошалар жума кунлари соат 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12 ва 15.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

*Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.*
*МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-35-91, 44-29-00.*

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!
Ўзбекистон Республикаси Халқ банки
илк бор 1996 йил 1 мартдан ДЕПОЗИТ (жамғарма) СЕРТИФИКАТЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРДИ.

СЕРТИФИКАТЛАР — 250, 500, 1000 сўмлик қийматда бўлиб, сақлаш муддатига қараб 125 фоизгача даромад тўланади.

Сертификатлар халқ банкининг барча бўлимлари томонидан чекланмаган миқдорда эркин сотилади ва сотиб олинади.

Халқ банки ўз мижозларига сертификатлар сақланиши ва улар бўйича бажарилган муомалаларнинг сирлилигига кафолат беради.

ХАЛҚ БАНКИ СЕРТИФИКАТЛАРИ — ОДДИЙ, ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИДИР!
Мурожаат учун телефон: 45-66-43.
*ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРМАСИ.*

The American Embassy is seeking candidates to fill the vacant position of a *USIS Librarian*. The incumbent will manage electronic and hard-copy library and provide access to Internet and other worldwide high-technology information retrieval systems. He/she will provide response to various queries for information and develop programs introducing international standards of information management. Desired qualifications: A university degree, at least three years of experience in cultural, media, public relations, information management, or related activities, knowledge of modern computer programs and information management techniques, fluent written and spoken English, Uzbek or Russian. Application forms (to be obtained from the Embassy) should be submitted within ten days from the date of this ad. Address: 82 Chilanzarskaya St. Tashkent.

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ШАҲАРДАГИ АВТОБУС ПАРКЛАРИГА
мотористлар, бўёқчилар, автоэлектриклар ва кондукторларни
ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
МЕҲНАТ ҲАҚИ — ИШБАЙ, ЮҚОРИ
*Мулоқот учун телефонлар: 34-62-48, 34-83-51, соат 8.00 дан 17.00 гача.*

Ёпиқ турда фаолият кўрсатувчи
ДАВЛАТ КОРХОНАСИГА
доимий ишлаш учун юқори малакали
босмахона матбаачилари
КЕРАК
СИФАТЛИ ИШ УЧУН ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ХИЗМАТ ҲАҚИ КАФОЛАТЛАНАДИ.
*Ҳар куни, шанба ва якшанбадан ташқари соат 9.00 дан 17.00 га қадар қуйидаги телефонлар орқали ходимлар бўлимига мурожаат қилинсин 34-41-21.*

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚА ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
ишламаётган бириктирувчи линияларни, станциялараро алоқанинг тўғри симларини тузатиш бўйича
талабномалар бериш учун
068 ИНДЕКСИНИ
ТЕРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ
ЭСЛАТАДИ.



Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0188. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.761 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6